Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил
12 январь
сешанба
№ 8
(4448)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Кун ҳикмати

Нафьини агар
халққа бешакдурур
Билки, бу нафъ
ўзунга кўпракдурур.

Алишер Навоий

Кун нафаси

11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Қирғиз Республикасининг сайланган Президенти **Садир Жапаров** билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

* * *

Нукус гарнизонидаги **Сафарбарлик чақируви резерви (СЧР) батальонининг капитал таъмирланган биноси** фойдаланишга топширилди.

* * *

Жомбой туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан **ҳарбий ватанпарварлик фестивали** ўтказилди.

* * *

Наманганда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ташаббуси билан Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб, шаҳар, туман ҳокимлари ва сектор раҳбарлари ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарлари ўртасида **спортнинг пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.**

* * *

Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг Наманган вилояти билан чегарадош ҳудудидаги «Кўксарой» маҳалла фуқаролар йиғинида «Қамчиқ» махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасининг **«Бешқўл» авария-қутқарув отряди навбатчилик пунктининг биноси** қуриб, фойдаланишга топширилди.

* * *

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой ва Иштихон туманларидаги бир қатор маҳаллаларда бўлиб, **аҳоли билан учрашувлар ўтказди.**

* * *

Шавкатжон Ортиқов Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланди.

* * *

Андижон шаҳрининг Қўшариқ даҳасида жойлашган «Изюминка» давлат-хусусий шерикчилиги асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ, ҲУДУДИЙ ДАХЛСИЗЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Жиззах вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасини бориб кўрди.

Мазкур ҳарбий қисмда катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, барча замонавий қулайликлар яратилган. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу шароитларни кўздан кечирди.

– Асосий мақсадимиз – халқ билан армия бирдамлиги. Ҳарбий қисмлар эшиклари эл учун очиқ бўлиши керак. Миллий армиямизнинг нури, маънавияти ҳаммага етиб бориши зарур. Ёшларни бу ерга олиб келиб кўрсатиш, ўргатиш керак. Бу уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз тарихи ва қудрати ҳақида билимларини бойитишга хизмат қилади. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд бўлади, – деди Президент.

Ўқув биноси энг илғор ҳарбий тайёргарлик талабларига мос жиҳозланган. Ўқув тренажёрлари жанговар вазиятга максимал яқинлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аскарларнинг ўқув машғулотларини кўздан кечирди. Ҳарбий билим ва кўникмаларни мактаб давриданоқ тўғри йўлга қўйиш, ҳарбий билим юртлари билан ҳарбий округлар ўртасидаги алоқани кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга бугун дунёда кузатилаётган хавф-хатарлардан келиб чиқиб, жанговар тайёргарликни янги поғонага кўтариш, хориж тажрибасини ўрганиш, энг илғор ахборот технологияларини ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ётоқхоналарда ҳарбий хизматчиларнинг яшаши, дам олиши, вақтини мазмунли ўтказиб, билимларини мустаҳкамлаши учун барча қулайликлар бор.

Ҳарбий қисм ошхонасига хизмат кўрсатиш бўйича аутсорсинг тизими жорий қилинган. Бу аскарларнинг ҳамма вақти ва куч-ғайратини профессионал тайёргарликка қаратиш имконини бермоқда.

Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисмдаги тиббиёт пунктини кириб кўрди. Бу ерда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига малакали хизмат кўрсатилмоқда.

Президентимиз ушбу пунктдаги ускуна ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланиб, ҳарбий қисм яқинидаги «Олмачи» маҳалласи аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш, халқ саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Мудофаа вазирлигининг захираси сифатида ҳар бири 500 ўринли иккита мобиль госпиталь ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари «Фориш» тоғ полигонида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2018 йил март ойида мазкур ҳудудда бўлиб, бу ерни намунавий полигонга айлантириш, янги концепция ишлаб чиқиб, мамлакатимиздаги барча ҳарбий полигонларни модернизация қилиш бўйича топшириқлар берган эди. Шулар асосида ушбу махсус ўқув-синов майдони замон талабларига мослаштирилди, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган энг илғор шароитлар яратилди.

Бунинг натижасини база инфратузилмаси янгиланганидан сўнг, бу ерда 2019 ва 2020 йилларда ўтказилган Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги терма жамоаси биринчиликни қўлдан бой бермай келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Полигон ҳудудида қурилган объектлар ҳақида дастлаб жой макети орқали маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ҳарбийлар ётоқхонаси, сузиш ҳавзаси, спорт залидаги шароитлар билан танишди. Марказий ва Шарқий ҳарбий округларнинг регби бўйича терма жамоалари мусобақасини кузатди.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан бир дастурхон атрофида самимий суҳбатлашди. Истеъдодли аскарлар бахшичилик санъатидан намуналар ижро этди.

Давлатимиз раҳбари «Фориш» тоғ полигонида қўшинлар ихтиёридаги замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни кўздан кечирди.

Ундан сўнг Марказий ҳарбий округ қўшинларининг шартли душманни йўқ қилиш бўйича жанговар машғулотлари, ҳарбий муҳандислик амалиётлари намойиш қилинди.

Ҳарбий учувчи, полковник Бахтиёр Отажонов ўз бошқарувидаги МИГ-29 қирувчи самолётида юртимиз ҳаво ҳужумидан мудофаа салоҳиятини намойиш қилди.

Бу каби тактик машғулотлар ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда, уларнинг замонавий ҳарбий техникалардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Шу ерда шахсий таркиб билан мулоқот бўлди. Президентимиз кейинги йилларда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида мустақиллигимиз, ҳудудий дахлсизлигимизнинг ишончли қалқони бўлган миллий армиямиз йилдан-йилга такомиллашиб, аскар ва офицерларнинг билими, куч-қудрати ва салоҳияти ошиб бораётганини таъкидлади.

– Бу полигон халқаро стандартларга мос бўлиши керак. Аскар ва зобитларни тайёрлаш шунга мувофиқ бўлиши зарур. Бунинг учун сифат, жанговар маҳоратга алоҳида эътибор қаратиш лозим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ҳарбийларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади.

– Кейинги йилларда байрам арафасида учрашиш анъанага айланди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бугунги Қуролли Кучларимиз беш йил олдинги армия эмас. Мудофаа доктринамиз бўйича қилинган ишлар натижасида миллий армиямизнинг салоҳияти ҳар томонлама ошди. Эришган муваффақиятларимиз билан бирга олдимизда кўп режалар, вазифалар турибди. Қўшинларнинг жанговар ҳолатини янада мустаҳкамлашимиз керак. Бунинг учун билим, тажриба, тайёргарлик зарур.

Президент қўшинларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Жиззах вилоятидан қайтиб келгач, инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Дастлаб 2021 йилда тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди.

Мамлакатимизда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан 2021 йилда 120 триллион сўм миқдоридаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, қурилиш материаллари, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, нефть-кимё, машинасозлик ва бошқа тармоқларда қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган 14 та йирик инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Масалан, Сирдарё шаҳрида фаолият юритаётган полиэтилен қоп ва енгил контейнерлар ишлаб чиқариш корхонасида 2 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Бунинг давоми сифатида, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан «спанбонд-мелтблаун» нотўқима матоларини ишлаб чиқаришга қаратилган 94 миллион долларлик лойиҳа режалаштирилган.

Умуман айтганда, янги лойиҳалар самарасида махсус техникалар, полиметалл маҳсулотлар, геосинтетик материаллар, минерал пахта асосида қурилиш плиталари, қувур, ойна ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кичик саноат зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, оқилона жойлаштириш, саноат инфратузилмасини яхшилаш, кластер ва технопарклар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёевга, шунингдек, пойтахтимизда инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши борасида маълумот берилди. Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 3,7 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилгани қайд этилди. Қиймати 11 триллион сўмдан зиёд 306 та лойиҳа фойдаланишга топширилиб, қарийб 13 мингта янги иш ўрни яратилган.

Мисол учун, Бектемир туманидаги «ДСК Бинокор» масъулияти чекланган жамият 504 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига темир-бетон маҳсулотлар, Сергели туманидаги «Bek Mega Textile» корхонаси 119 миллиард сўмлик инвестиция эвазига тўқимачилик товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этган.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2021-2023 йиллар учун қиймати 109 триллион сўмдан зиёд 1 минг 277 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Шундан қарийб 4,9 миллиард доллари хорижий инвестиция ва кредитларга тўғри келиши кутилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар 86 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Жорий йилда мазкур лойиҳалар доирасида барча манбалар ҳисобидан 4,1 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилиши белгиланган. 454 та лойиҳани ишга тушириб, қарийб 29 минг кишини иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ва сифатли, замон талабларига мос равишда амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берди.

ЎзА

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасини ўқиб...

3-саҳифада ўқинг...

Тошкент шаҳри

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН 5000 ҚАДАМ

Мудофаа вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Мудофаа вазирлигига қарашли Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини сингдириш, уларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар, институт курсантлари ва фуқаролар иштирок этди.

Тадбир доирасида «Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам» шиори остида юриш марафони ҳам уюштирилди.

– Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзига хос аҳамиятга эга, – дейди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Азиз Тоғаев.

Тадбир сўнгида Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг фаоллари касаба уюшмаларининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,
«ISHONCH»

ЧЕКЛОВ МУДДАТИ УЗАЙДИ

Республика махсус комиссияси навбатдаги баённот билан чиқди. Унга кўра, етти давлат билан *(Буюк Британия, Италия, Дания, Австрия, Австралия, Нидерландия ва Жанубий Африка Республикаси)* халқаро авиарейслар бўйича чеклов муддати жорий йилнинг 1 февралига қадар узайтирилди.

Жорий этилаётган чекловлар ушбу давлатлардаги эпидемиологик вазият барқарорлашгани сари босқичма-босқич бекор қилиб борилади, дейилади t.me/aoka_uz телеграм каналида

«Ishonch» кўзгуси

ТАЪМИР КЎРМАГАН ЙЎЛ

ёхуд муаммони ким бартараф этади?

«Қизилмушт» МФЙ ҳудудидаги Эшонбобо қишлоғи Данғара тумани марказидан унчалик олисда эмас. Нари борса, 4-5 километр чиқади. Аммо бу қишлоққа унча-мунча ҳайдовчининг йўлагиси келмайди. Сабаби – йўл абгор.

Бу йўл ўтган асрнинг 86-йилида асфальтланган. 35 йил бўлибдики, бир марта ҳам пухта таъмирланмаган. Тўғри, маҳалла-кўй, саховатли кишилар пул сарфлаб, қўлидан келганча таъмирлашди. Бироқ, «чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин», деган гап бор. Қанча авайланмасин, ямалган жойлар кўчиб кетаверди.

Ўтган йили қишлоқ аҳли йўлнинг таъмирланишини сўраб, туман ҳокимига арзнома битишганди. Шундан сўнг мутахассислар келиб йўлни кўриб кетишди. Бироқ... Улар фақат йўлнигина кўриб кетишди, амалда эса ҳеч нарса ўзгармади.

Бу масалага туман мутасаддилари нима дейишар экан?

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...

«ЛОЙҚА КЎЛМАК»ДАН СУВ ИЧАЁТГАНЛАР...

«ОСМОНДАН ТУШГАН» ДИРЕКТОР

ТОМОРҚАЧИНИНГ КОСАСИ ҚАЧОН ОҚАРАДИ?

Наманган вилояти

Сурхон воҳасида туғилиб ўсганман. Болалигимдан эл-юртимиз осойишталиги йўлида эгнига ҳарбий либос кийган аскар акамларга ҳавасим келарди. Шундай кезлар беихтиёр ўз-ўзимга дердим: катта бўлсам, мен ҳам аскар бўламан.

Фахр

МЕН АСКАРМАН!

Ўтган йили ниятим амалга ошди. Мен Чегара қўшинлари сафига хизмат қилишга сафарбар этилдим.

Мана, қарийб бир йилдирки, Наманган вилоятида ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб келяпман. Куни-кеча, ўзим орзу қилган « Ўзбекистон Миллий гвардияси» сафида хизмат қилиш учун қисмимиз қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олиш шарафига муяссар бўлдим.

Ҳарбий хизмат давридаги муваффақиятларимдан ота-онам жуда қувонди. Укам Ўролжон ҳам мен каби ҳарбий хизматни ўташ истагида.

Мен Ватаннинг бир ўғлони сифатида тенгқур йигитларга аскарлик – шараф эканини, армия кўришнинг фойдаси кўп эканини айтмоқчиман. Муҳими, аскарлик даврида эр йигит чиниқиш билан бирга, ота-онаси, юртининг қадрига етадиган бўлади.

Суюн МЎМИНОВ,
оддий аскар

Тадбир

Ҳуқуқ ҳимоячилари билан мустаҳкам ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан Бош прокуратурада Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда тадбир ташкил этилди.

Тадбирда қайд этилганидек, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Бош прокуратура ва прокуратура органлари билан бир неча йиллардан буён ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, 2020 йил 10 августда Бош прокуратура ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2020-2022 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишуви имзоланди ва келгусидаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олинди.

Соҳа вакилларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фидокорона меҳнатларини муносиб рағбатлантириш мақсадида касаба уюшмалари билан ҳамкорлик нафақат ходимлар, балки иш берувчилар учун ҳам манфаатли бўлиб, иш самарадорлиги ошишига ҳисса қўшади.

Тадбирда ҳамкорликни ривожлантириш, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги хизматлари ва алоҳида ташаббуслари учун Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Анваржон Абдумухторов Бош прокурорнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Фарғона вилояти

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига 2020 йил давомида фуқаролардан 1415 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг асосий қисми электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сув таъминоти муаммолари билан боғлиқ.

Ҳуқуқ

ХИЗМАТ УЧУН ҲАҚ КЎРСАТИЛМАГАН

Хусусан, Фарғона вилояти «Тоза ҳудуд» ДУКнинг аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифати ўрганилганда, корхона томонидан айрим ҳудудлардаги чиқиндилар белгиланган жадвал асосида олиб кетилмаётгани аён бўлди. Устамонликни қарангки, корхона кўрсатмаган хизматлар учун ҳам истеъмолчиларга асоссиз қарздорлик ҳисобланган. Ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида бу маблағ истеъмолчилар ҳисобидан олиб ташланиб, қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Бу каби ҳолат аҳолига суюлтирилган газ баллонларини ўрнатиш ва хизматлар кўрсатиш жараёни ўрганилганда ҳам аниқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 июндаги қарорига асосан «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ва «Ҳудудгаз Фарғона» ГТФнинг буйруқлари билан маиший газ баллонни алмаштириш ва ўрнатиш хизмати учун 3000 сўм нарх белгиланган. Аммо ушбу миқдордаги тўлов истеъмолчиларга хизмат кўрсатмасдан туриб ундириб олинган. Яъни катта миқдордаги маблағ белни оғритмасдан топилган. Бошқарма томонидан олиб борилган ўрганишлардан сўнг ушбу маблағ истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Ю.ҚОЗИХОНОВ,
А.МЎЙДИНОВ,
Фарғона вилояти Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси ходимлари

Пленум

Ҳудудий бўлинмалар ташкил этилади

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг II Пленум (мажлис)и видеоконференц алоқа тарзида бўлиб ўтди.

Мажлисни тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳақулов олиб бориб, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси фаолияти ва тузилмасини такомиллаштириш ҳамда 2021 йилдаги устувор вазифалар бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш борасида сўз юритди.

Ўтган йилдаги пандемия сабабли вужудга келган қийинчиликларга қарамасдан тармоқ ходимлари тизимли ишлагани, автомобиль саноати бир дақиқа бўлсин тўхтамагани, ишчи-ходимларга барча шароитлар яратиб берилгани, иш ҳақлари вақтида тўлангани, энг муҳими, тизимда ишловчилар ишсиз қолмагани эътироф этилди. Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа шартномавий ҳужжатлар асосида тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш масалаларига тўхталинди. Айниқса, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун қабул қилиниши фаолиятни янада самарали олиб боришга замин яратгани алоҳида таъкидланди.

Шу билан биргаликда фаолиятда бир қатор ишга солинмаган имкониятлар кузатилгани ҳам айтиб ўтилди. Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини юксалтириш ва ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ҳудудий бўлинма (вилоят кенгаши)ларни ташкил қилиш тўғрисида ишлаб чиқилган қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

Ҳудудий бўлинмалар амалдаги қонун ҳужжатлари ва касаба уюшмаси Устави, юқори органларнинг қарорлари асосида ўз ишини ташкил қилади. Ҳудуддаги тегишли иш берувчилар, идоралар билан тармоқ ходимларига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуи бўйича жамоа (ҳудудий тармоқ) келишувларини тузади. Касаба уюшмаси хизматига янги қабул қилинган корхона ва ташкилотлар фаолиятини тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатади. Аъзолик бадалларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилади ҳамда муаммоли ҳолатлар содир бўлганда уларни бартараф этиш чораларини кўради. Тасдиқланган низомга асосан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ва касаба уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни таъминлайди. Тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

– Тизимда ишлаётган аъзоларимиз сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Тармоқ келишувлари ижросини таъминлаш, назорат қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя кўламини кенгайтириш орқали ушбу соҳа ходимларининг ҳаётдан розилигини таъминлаш бош мақсадимиздир, – деди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шерзод Бўтаев. – Жойлардаги мулоқотларда билдирилган фикрлар, шунингдек, тушаётган мурожаатларнинг мазмун-моҳияти биздан мазкур йўналиш бўйича жиддий шуғулланишни талаб қилмоқда. Шу билан бирга, янги нодавлат ташкилотларни касаба уюшмаси хизматига жалб қилиш долзарб масалага айланган. Бу каби жиҳатларни инобатга олиб, касаба уюшмаси хизматини янада кучайтириш мақсадида Вилоят кенгашларини тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Йиғилишда қатнашчилар томонидан Ҳудудий бўлинмаларни тузиш бир овоздан маъқулланди. Қатор фикр-мулоҳазалардан сўнг «Йўл харитаси» ҳам тасдиқланди.

– Ижтимоий меҳнат унумдорлиги, халқнинг моддий фаровонлиги машинасозлик саноатининг тараққиёт даражасига боғлиқ. Металлургия ва машинасозлик саноати тармоғи энг нуфузли, юртимиз обрў-эътиборини оширишда катта ўрин эгаллаган соҳалардан биридир, – дейди «UzAUTO Motors» АЖ Хоразм вилояти филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Қудратилла Ибодуллаев. – Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши корхона ва ташкилотларга амалий ёрдам бериш бўйича қатор истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда. Хусусан, тармоқ касаба уюшмасининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича устувор вазифалари юзасидан «Йўл харитаси»да ҳозирги кундаги долзарб масалалар ўрин олган. Унда кўрсатилган барча бандларни қўллаб-қувватлаймиз.

Шу куни тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси (Раёсати)нинг 1-йиғилиши ҳам ўтказилди. Унда ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилар ва бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раисларига бир қатор вазифалар белгилаб берилиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Алмати қишлоғи Шаҳрисабз тумани марказидан 45 километр узоқликда жойлашган. Ҳимоят Ражабова шу қишлоқдаги 49-умумтаълим мактабида фаррош бўлиб ишлайди.

Касаба уюшма ҳаёти

Ҳа, деган туяга мадад

Турмуш ўртоғи вафот этгани учун ота уйида яшарди. Мактабнинг озодалигини таъминлар, меҳнати орқасидан рўзғорини тебратарди. Яқинда аёлнинг бошига яна бир ташвиш тушди. Отаси оламдан ўтди.

Гангиб қолган Ҳимоят мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитасидан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Қўмита опанинг мурожаатини Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз тумани кенгашига етказди. Унга моддий ёрдам ажратилди.

16-мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайдиган Замира Элбоева эса қизи шартнома асосида ўқишини, ўзи ота-онаси қарамоғида эканлигини билдириб, касаба уюшма қўмитасидан ёрдам сўради. У ҳам туман кенгаши томонидан моддий қўллаб-қувватланди.

17-мактабда география фанидан сабоқ берадиган 50 ёшли фидойи муаллима Фотима Пардаеванинг оғир кунида ҳам касаба уюшма қўмитаси елкадош бўлди.

– Янги йил байрами муносабати билан кам таъминланган, оилавий шароити оғир 21 нафар ходимга кўмаклашилди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз тумани кенгаши раиси Саъдулло Абдуллаев. – Бундан ташқари, 484 нафар ходим фарзандига Янги йил совғалари топширилди.

Шунингдек, тасарруфимиздаги бошланғич ташкилотларда ходимларнинг спорт билан оммавий тарзда шуғулланишини таъминлаш мақсадида ички мусобақалар ташкил этилди. Ғолиб ва совриндорлар туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қурултойи қарорларини амалга татбиқ этиш мақсадида бошланғич ташкилотларимиз етакчилари учун семинар ташкил этилди. Фаол касабақўм етакчилари моддий рағбатлантирилди.

Шаҳрисабзда нодавлат сектори ташкилотларини касаба уюшмасига жалб қилиш ва ходимларни аъзолик афзалликларидан баҳраманд этиш ишлари ҳам кўнгилдагидек кетмоқда. Масалан, аъзоликка олинган ахборот-кутубхона марказидан уч нафар ходимга оилавий шароити инобатга олиниб, моддий ёрдам берилди.

Ҳудуддаги нодавлат секторига мансуб мактабгача таълим ташкилотлари эса туман МТТ бўлими касаба уюшма қўмитасига бириктирилиб, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш тадбирлари амалга оширилаётир.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Самарқандда кўпчиликнинг жиддий ташвишига сабаб бўлаётган корхона бор. Муддати ўтган қарздорлик ошиб бораётгани сабаб вилоят «Иссиқлик манбаи» ДУК ишчи-ходимларининг ярим миллиард сўмдан зиёд иш ҳақларини тўлаб бера олмасдан «ер чизиб» келмоқда.
Муаммонинг илдизи қаерда?
Аҳвол нега бу даражага келган?
Ходимлар маошсиз қандай қилиб эмин-эркин ишлаши мумкин?

Оғриқ тишлар...

ИССИҚЛИК ИЗЛАБ...

ёхуд жумбоқнинг учи қаерда?

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари билан ҳамкорликда қарздорликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилишга интилдик.

– Айнан шу масалада «Иссиқлик манбаи» ДУК корхонаси мутасаддиларига жуда кўп бор расмий талабномалар киритганмиз, – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш» бўлими мудири Зуҳра Маматқулова. – Афсуски, улар фақат қуруқ ваъдалар бериб, қарздорликнинг қисқараётгани тўғрисида ахборот бериш билангина кифояланишмоқда.

...Корхонадамиз. Билдикки, кейинги етти йилда тайинланган еттинчи раҳбар яқинда иш бошлабди. Мана, ўн кундирки, бутун идора ходимлари ҳайҳотдек бинони супириб-сидириш билан овора бўлишаётир.

– Тозалик-покизалик бор жойда барака бўлади, – дея бизни кутиб олди эндигина раҳбар этиб тайинланган Акбар Баҳриев. – Ходимларимиз қоп-қоп кераксиз чиқитларни улоқтириб, хоналарни жиҳозлашмоқда. Бир қатор корхона ва ташкилотларда оддий ходим ҳам, раҳбар ҳам бўлиб ишлаганман. Аммо бунақанги жойни сира кўрмаганман. Халққа хизмат кўрсатадиган идора сариштa бўлиши керак.

Мақсадимизни эшитган раҳбар ўйга толди. У ишни бошлаганиданоқ ходимларга иш ҳақи тўлашни тизимли ташкил этаётгани ҳақида сўзлади. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик масаласида эса анча «бош қашишга» тўғри келар экан...

Бу ҳолат юз беришининг туб илдизига биргаликда бир назар ташлаймиз.

Самарқанддаги марказлашган иссиқлик қозонхонаси 1962 йилда бунёд этилган. Ўша даврларда ва кейинчалик ҳам мазкур иншоот шаҳардаги аксарият корхона ва кўп қаватли уйларни иссиқ сув билан таъминлаб келган. Мавжуд 381 та кўп қаватли уй бевосита ана шу манба орқали иситилган. Йиллар ўтган сари шаҳар бўйига ҳам, энига ҳам кенгайди. Йилига бир неча юзлаб кўп қаватли уйлар қад ростлади. Айни чоғда кўп қаватли уйлар сони бир ярим мингни қоралаб боряпти. Уй қурилган-у, уни иситиш масаласи, янги иситиш тизими барпо этиш масаласига панжа орасидан қараб қўйилаверган. Вақт ўтган сайин марказлашган иситиш тизими трассаси, қувурлари, ички тармоқлари эскириб, чириб бораётганини ҳеч ким эсламаган ҳам. Шаҳардаги ягона иншоот битта мавзегагина иссиқлик узатиш имкониятига эгалиги ҳам ҳеч кимнинг эсига келмаган. Бундан беш йил илгари қишнинг қирчиллламасидаги совуқда электр энергиясидаги узилиш барча ишни барбод қилди. Қувурда қолган сувлар музлаб бутун тизим тақа-тақ тўхтаган.

Таажжубланарлиси, Самарқанддек азим шаҳарда кўп қаватли уйларни иситиш муаммоси ҳамон ечимини топмаганлигидир. Тўғри, кейинчалик уч-тўрт локал қозонхоналар барпо этилиб иссиқликни тиклаш чоралари кўрилганидан кўз юмиб бўлмайди. Айни чоғда 50 тадан зиёд уй иссиқ сув билан таъминланаётгани ҳам рост. Аммо бу шаҳардаги умумий кўп қаватли уйларнинг қанча фоизини ташкил этишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

«Иссиқлик манбаи» ДУКнинг янги раҳбари билан анча гаплашдик. Бугунги кунда бутун шаҳарни иссиқлик билан таъминлашга масъул бўлган корхонанинг 6 та юридик, 600 га яқин жисмоний шахс билан иссиқлик етказиб бериш ҳақидаги шартномаси мавжуд. Лекин ҳисоботларда юритилаётган 10 миллиард сўмлик дебитор қарзни янги раҳбарият кимдан ундириб олишни ҳам билмайди. Чунки... шартномалар рисоладаги талабга жавоб бермас эмиш.

– Биргина касаба уюшмалари бадалидан қарздорлик 50 миллион сўмни ташкил этаётганини эшитдим, – дейди корхона раҳбари Акбар Баҳриев. – Иш бошлагач, билдимки, жамоат ташкилоти етакчиси ҳам аллақачон аризасини ёзиб ишдан бўшаб кетган. Айни чоғда жамоани шакллантириш, ишни талаблар даражасида ташкил этишга киришганмиз. Ишлаётган 70 нафар ходимга иш ҳақларини ўз фурсатида тўлаб беришни бошладик. Аммо ўтмишдан қолган қарздорлик «мероси»... жуда чигаллашиб кетган.

Эшитдикки, Самарқанднинг савлати бор-у фаолияти йўқ марказий қозонхонасини тубдан янгилаш режалаштирилаётган экан. Зора бу хушхабар Самарқанддаги кўп қаватли уйларга илиқлик, умидворларга маблағ олиб келса?

Ҳамма гап ана шу жумбоқнинг қачон ечилишида...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Мурожаатномани диққат билан ўқир эканмиз, мамлакатимизнинг реал сиёсий ва иқтисодий салоҳияти унинг кейинги жадал ривожланиши йўлида қўйилган улкан вазифаларга мутаносиб кела бошлаганини кузатамиз. Ваҳоланки, ҳатто бир неча йил аввал ҳам аҳвол мутлақо бошқача эди.
Шундан келиб чиқиб айта оламизки, ислоҳотлар ўз самарасини бериши учун мамлакатнинг амалдаги ҳолати ҳамда ички салоҳиятини ҳаққоний ва холисона баҳолаш зарур. Истиқлол йилларида биз илк бор ўз хато-камчиликларимиз ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларимиз борлигини очиқ-ошкора тан олдик, шу билан бирга инқироздан чиқишнинг самарали йўллари изланди.

Муносабат

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасини ўқиб...

Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси

Баландпарвоз ва чиройли шиорлар айтиб, қуруқ ваъдалар бериш қанчалик жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етдик. Бу одамларда ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлик ҳиссини уйғотди, халқ ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида улкан бўшлиқ ҳосил бўлди.

Одамлар расмий статистикага, жумладан, юртимизда ҳар йили миллионлаб иш ўринлари яратилаётгани-ю бошқа шу каби «ютуқлар»га ишонмай қўйди. Бундай вазият узоқ давом этиши мумкин эмас эди, сабаби у мамлакат ва халқни боши берк кўчага олиб кириши муқаррар эди.

Шундай қилиб, ижтимоий ривожланиш мантиғи ҳамда анчадан буён тўпланиб қолган муаммолар, халқнинг ишонч-у умидлари мамлакатни тубдан ўзгартириш ва барча соҳаларда чуқур ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этарди.

> **Фикримизча, Мурожаатномада тилга олинган масалалар – юртимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнини айнан шу нуқтаи назардан таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.**
> **Бошқаларга бўлган ҳурматимизни сақлаган ҳолда очиқ айтиш керакки, бугунги кунда минтақа мамлакатлари ичида фақат Ўзбекистонда барча йўналишларда, ҳеч бирини биринчи ва иккинчи даражалига ажратмаган ёки қайсиларинидир кейинга қолдирмаган ҳолда, кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.**

Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида олиб борилаётган бугунги ислоҳотлар айнан шу хусусияти билан алоҳида аҳамиятга эга.

Стратегик жиҳатдан бу табиий ва мантиқан тўғридир. Боиси, ислоҳотлар пировардида кутилган натижага олиб келиши учун ўзгаришлар жараёнида иштирок этувчи барча тузилмалар жалб этилиши лозим. Энг мукаммал ишлаб чиқилган дастурлар ҳам, модомики уларнинг ижросига бутун халқ, аҳолининг барча қатламлари, давлат бошқаруви ва фуқаролик жамиятининг барча бўғинлари жалб этилмас экан, эзгу мақсад ва ғоялигича қолаверади.

Тўрт йил муқаддам мамлакат раҳбари этиб сайланган Шавкат Мирзиёев, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг яқин, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини белгилаб берганини барчамиз яхши эслаймиз.

Ўшандаёқ Президент Ўзбекистонни барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқиш ҳамда тараққий этган мамлакатлар сафига қўшиш, шу аснода юртимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллаши учун барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, энг муҳими, ислоҳотлар жараёнида бутун халқимиз, аҳолининг барча қатламлари фаол иштирок этиши кераклигини таъкидлаган эди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг қўйилган улкан мақсадларга эришиш йўлида на ўзи, на бошқаларга тинчлик бериши ҳақидаги сўзларини ҳам яхши эслаймиз. Бугун ушбу фикрнинг амалий тасдиғини рўй-рост кўряпмиз.

Мурожаатномада баён этилган амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳияти, йўналиши, объектив баҳоси ҳамда келгусида қилиниши керак бўлган ишлар тавсифи Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёни ортга қайтмас характер касб этганидан далолат беради.

Ўтган давр мобайнида барчамиз чуқур англадикки, мамлакатни демократлаштирмай, ОАВ эркинлигини таъминламай, халқимизнинг ижодий салоҳиятини уйғотмай туриб Ўзбекистонни янгилаш ҳамда кўзланган мақсадларга етиш амримаҳол. Ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш учун иқтисодиётни модернизациялаш, саноат тармоқларини техник ва технологик янгилаш, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги эскича ёндашувларни ўзгартириш, ҳалол меҳнат қилаётганларни моддий ва маънавий рағбатлантириш зарур.

Бу инсоният юқори технологияли тараққиёт босқичига қадам қўйган бугунги даврда, айниқса, долзарбдир. Образли айтганда, юриб бораётган поездга чиқишга улгуролмай қолган мамлакат трансмиллий корпорациялар ҳамда қудратли давлатларнинг хомашё базаси сифатида жаҳон цивилизациясидан ортда қолиб кетиши муқаррар.

Халқаро валюта фонди ҳамда нуфузли рейтинг агентликларининг таҳлилларига кўра, пандемия сабаб ўтган йилнинг жуда оғир келишига қарамай, Ўзбекистон жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришди. Боз устига, Иқтисодий эркинлик индексида юртимиз 26 поғона юқорилади.

Шавкат Мирзиёев Мурожаатномада қайд этганидек, ўтган йили мамлакатимизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхона ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Мевасабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имкони яратилди.

2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида 89 миллиард доллар миқдорида (шундан 37,5 миллиарди хорижий) сармоя ўзлаштириш кўзда тутилгани ҳам амалга оширилаётган ўзгаришларнинг нечоғлик улкан ва кенг кўламли эканидан далолат беради.

Президент Мурожаатномасидан англашилганидек, келаси йилда мамлакатимиз иқтисодиёти янада жадал суръатларда ривожланишда давом этади. Хусусан, 226 та йирик саноат ва инфратузилма объекти фойдаланишга топширилади. Навоий кон-металлургия комбинатида барпо этилаётган иккита йирик гидрометаллургия заводи ҳамда Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатидаги техноген чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси шулар жумласидан.

Қашқадарё вилоятида қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа тўлиқ маҳсулот беришни бошлайди.

Бундан ташқари, республикамиз бўйича тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади, деди Президент. Биргина Тошкентдаги «Яшнобод» технопаркида 11 та замонавий электротехника корхонаси ишга туширилиб, у ердаги жами корхоналар сони 17 тага ва ишчилар сони 11 минг нафарга етказилади.

Таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш соҳалари, тарбия ҳамда қадриятлар тизимини тубдан ўзгартирмай туриб қўйилган марраларга етиш амримаҳол.

Барча эзгу ва бунёдкорлик ишлари рўёбида мамлакат келажаги бўлган ёшларнинг алоҳида ўрни бор. Шундай экан, 2021 йилга юртимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб ном берилиши барчамизни ғоят қувонтирди. Жорий йилда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион АҚШ доллари ажратиш кўзда тутилган. Яна 1 триллион сўм ва 50 миллион АҚШ доллари ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-ҳунарга ўқитишга йўналтирилади.

> **Шу билан бирга, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади.**
> **Бугунги катта авлод вакилларининг асосий вазифаси ёшларга қулай бошланғич шароит ва имкониятлар яратишдан иборат. Ўғил-қизларимиз ўзгариб бораётган дунёда соғлом, таълим-тарбияли, рақобатбардош, ривожланган давлатлардаги тенгдошларидан сира қолишмаган ҳолда вояга етиши керак.**

Албатта, ёшларни ўз устида ишлашга, яхши ўқиб, ривожланишга узоқ вақт даъват этиш мумкин. Ҳарқалай, бунинг заруратини уларнинг ўзлари ҳам яхши англайди.

Бугунги кундаги асосий масала совет давридан бизга мерос бўлиб қолган бир талай муаммолар – эскирган ўқув адабиётлари ҳамда дарс бериш услублари, педагог кадрлар малакасининг талаб даражасида эмаслиги, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ва таъминотидаги камчиликлар ва бошқаларни бартараф этишдан иборат.

Шу боис, Шавкат Мирзиёев ёш авлодга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатмоқда. Мурожаатномада ўтган даврда мазкур йўналишда қилинган ишларнинг асосий натижалари хусусида сўз юритилди – ўзбекистонликларнинг янги авлодини шакллантиришда пойдевор вазифасини бажарадиган мактабгача таълим тизимидаги ҳайратланарли ўзгаришлар, мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар ҳамда олий таълимдаги жиддий ўзгаришлардан тортиб, илм-фан соҳаси, илмий-тадқиқотчилик фаолиятини охирги талаблар асосида тубдан қайта ташкил этишгача.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 60 фоизга етди. Президент 2023 йил охирида бу кўрсаткични 75 фоизга етказиш вазифасини қўйди.

Охирги 4 йилда боғчалар сони 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди. Келгуси йили 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилади. 6 ёшли болаларнинг 82 фоизи мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан қамраб олинади. Шунингдек, мамлакатда илк бор имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

Жорий йилда 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилиши кишида, шаксиз, мамнуният ҳиссини уйғотади. Шу билан бирга 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлаши ҳам ғоят қувонарли жиҳатдир.

Олий таълимга келсак, ўтган йили қамров 25 фоизга етди. 2021 йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сонини камида 25 фоизга ошириш режалаштирилган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробарга кўпайтирилиб, 2 мингтага етказилади. Қолаверса, Тошкент шаҳрида янги замонавий университет барпо этиш кўзда тутилган.

Қайд этиш жоиз, давлат раҳбари бир вақтнинг ўзида улуғ аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни унутмаган ҳолда ёшларнинг IT-технологияларига доир билимини ошириш зарурлигини бот-бот такрорлашдан тўхтаётгани йўқ. Янги, замонавий билимлар аждодлар эришган илмий ютуқларга асосланиши даркор. Боиси бу дунёда ҳамма нарса диалектиканинг объектив қонуниятига кўра ривожланиб, янгидан-янги билимлар билан бойиб боради. Халқимиз эса аждодлар мероси билан ҳақли равишда фахрлана олади.

Бироқ буюк бобокалонларимиз билан фахрланишнинг ўзи кам. Минг йиллар аввал олим-у фузалоларимиз дунё илм-фанининг бешигини тебратган. Кейинги Уйғониш даври ўрта асрларга тўғри келди. У вақтда ҳозирги европаликларнинг аждодлари ота-боболаримиз асарлари асосида илм-фан сарҳадларини забт этган. Афсуски, биринчи ва иккинчи Ренессансдан сўнг турли объектив ва субъектив сабабларга кўра авлодлар ўртасида узилиш юз берди, аждодларимиз ютуқларини давом эттиролмай қолдик. Бунинг оқибатлари барчамизга яхши аён.

Президент илмий ва оммавий муомалага «Учинчи Ренессанс» тушунчасини киритгани ҳам бежиз эмас. Юртимизда таълим ва фаннинг барча таркибий қисмлари жадал суръатларда ривожланмоқда, бу мақсадга катта куч ва маблағ йўналтириляпти.

Диалектиканинг объектив қонунларига қайтадиган бўлсак, ишонч билан айта оламизки, миқдор ўсувчанлиги, албатта, сифатга ҳам ўтади. Кун келиб заминимизда янги Берунийлар, Хоразмийлар, Ибн Синолар, Навоийлар, Фарғонийлар, Бобур ва бошқа ўнлаб олим-у фузалолар етишиб чиқади ҳамда улар инсоният тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшиши муқаррар. Шунда азалий орзуимиз рўёбга чиқади – минтақамизда Нобель мукофоти соҳиблари пайдо бўлади.

Яна бир муҳим қайд: биз, албатта, ўтмишдан сабоқ чиқаришимиз керак. Бошбошдоқлик, ички низолар, давлат ишига диний мутаассибларнинг аралашуви натижасида жаҳонга машҳур илмий мактабларнинг завол топиши тараққиётимиз суръатларининг пасайиши, ўз даврининг илғор таълими ва илм-фан тармоқларининг йўқолишига олиб келди. Бундай йўқотишларга дучор бўлган миллатимиз жаҳон тараққиётидан ортда қолди, қудратли давлатлар исканжасига тушди.

Гувоҳ бўлаётганимиздек, ҳозир Ўзбекистонда тарихнинг мана шундай аянчли саҳифаларидан тўғри хулоса чиқарилган ҳолда мисли кўринмас ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Кучли, бирдам, оқил-у доно миллатгина бугунги шиддатли рақобатдан омон қолиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллай олади. Бу фикр давлат раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида зарҳал ҳарфлар билан қайд этилган.

> **Мурожаатномада, шунингдек, коронавирус пандемияси билан боғлиқ янги таҳдид ва хатарлар тўғрисида ҳам сўз борди. Бу офатдан кўплаб мамлакатлар талафот кўрди. Коронавирус пандемиясига қарши кураш учун 2021 йил давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Қолаверса, кейинги йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, охирги йилларда соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий ислоҳ қилиниши, коронавирус касаллиги тарқалган дастлабки даврданоқ аҳоли саломатлигини муҳофазалаш бўйича кўрилган оқилона чора-тадбирлар эвазига Ўзбекистонда пандемия қурбонлари сони бошқа давлатларга қараганда нисбатан оз бўлди.

Шубҳасиз, бой берилган ҳар бир жон, саломатликка етказилган зиён бу – улкан фожиа. Буни инкор этишга ҳаққимиз йўқ!

> *Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, Ўзбекистонда коронавирус билан хасталаниш коэффициенти бошқа кўплаб мамлакатларникидан кўра пастроқ, тузалганлар сони 97 фоиздан ошган, даволанаётганлар эса 2 фоизга ҳам етмайди. Бу дунёдаги энг яхши кўрсаткичлардан биридир.*
> *Очиғини айтиш керак, юқорида тилга олинган натижалар соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар, мамлакат раҳбаридан тортиб қуйи ташкилотларгача – барча бўғинларни ўз ичига қамраб олган кенг кўламли ташкилий-профилактик тадбирларнинг самараси ҳисобланади.*

Пандемия мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатди, тараққиёт суръатларини бирмунча пасайтирди.

Шунга қарамай, халқаро эксперт-аналитик марказларнинг таҳлилларига кўра, Ўзбекисон дунёдаги кам сонли мамлакатлар қаторида 2020 йилни иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан якунлади.

Мурожаатномада асосий урғу охирги йилларда эришилган ютуқлар эмас, балки мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш йўллари, истиқболли вазифаларга қаратилгани ҳам кишида алоҳида мамнуният уйғотади. Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, ислоҳотларнинг илк кўзга кўринарли натижалари, ютуқларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар ва илғор давлатлар томонидан муносиб эътироф этилаётгани билан кифояланиб қолиш керак эмас.

Биз узоқ ва машаққатли йўлнинг бошида турибмиз. Ҳеч ким муаммоларимизни бошқа жойдан келиб, ҳал қилиб бермайди.

Тараққиётимиз йўлида ютуқларимиздан чин дилдан қувонадиган дўст, хайрихоҳлар билан бирга, ҳасадгўй душманлар ҳам учраши табиий. Яширмаймиз, мамлакатда олиб борилаётган стратегик ислоҳотларнинг қиймати ва амалий аҳамиятини шубҳа остига олишга, Ўзбекистон ҳақида турли бўҳтонлар тарқатишга уринаётган бирёқлама қарашга эга баъзи интернет нашрлари ва блогерлар ҳам йўқ эмас.

Таассуфки, ахборот технологиялари асрида бу каби ғаразли мақсадларга ҳали ҳеч ким ғов бўла олаётгани йўқ.

Бундай ғайрли ишларга энг муносиб ва тўғри жавоб – қўйилган мақсадлар сари оғишмай илдамлаш, одамларнинг ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, аҳоли, шу жумладан ёшлар, аёллар, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронларнинг муаммоларини самарали ҳал қилишдир.

Шу мақсадда мамлакатда манзилли давлат дастурлари амалга оширилиб, уларнинг ижроси нафақат давлат органлари, балки депутатлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан назорат қилинмоқда. Бугунги ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан кўриниб турибдики, матонатли халқимиз ҳар бир инсон ҳаётидан рози бўлиб яшайдиган янги Ўзбекистонни, албатта, қура олади.

Мана, 2021 йилга ҳам қадам қўйдик. Умид қиламизки, кириб келган янги йил ҳаммамизга яхшилик, бахт-саодат олиб келади.

Биз давлат раҳбари томонидан Мурожаатномада баён этилган барча мақсад-вазифаларга эришишга астойдил бел боғлашимиз даркор.

Жорий йилда Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги нишонланади. Шунингдек, мамлакат сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа – Ўзбекисон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Мустақил тараққиётнинг бундай муҳим палласида юртимизда олиб борилаётган ўзгаришларни тизимли ва босқичма-босқич давом эттириш ниҳоятда муҳим.
Шу юртнинг фарзанди, фуқароси сифатида ишонч билан айта оламанки, доно халқимиз ҳаётий мақсад ва маслаклари сари қўяётган қадамлари илдамлашиб бораверади.

Сўраган эдингиз...

САНАТОРИЙ-КУРОРТЛАРНИНГ БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМАЛАРИ КИМЛАРГА ВА ҚАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

***САВОЛ:** Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфида бўлган санаторий-курорт хизматидан бепул фойдаланиш учун йўлланмалар қай тартибда берилади?*

ЖАВОБ: Ногиронлар ва кексаларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги санаторий-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш туман ва шаҳар тиббий-ижтимоий хизматлар шўъбалари орқали амалга оширилади.

Санаторий йўлланмалари ҳар йили навбат асосида қуйидаги шахсларга берилади:

– уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
– республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчилар;
– Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган, шунингдек, Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;
– ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаганлар;
– ёлғиз кексаларга санаторий йўлланмалари берилади.

Икки йилда бир маротаба навбат асосида эса:

– уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;
– ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;
– I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб борувчиларга берилади.
– санаторийларда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда, навбат асосида, 3 йилда 1 марта ёшга доир пенсионерларга ҳам йўлланма берилиши мумкин.

***САВОЛ:** Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар йўлланмаларни олиши учун қандай ҳужжатлар тақдим этиши зарур?*

ЖАВОБ: Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар йўлланмаларни олиши учун туман ёки шаҳар тиббий-ижтимоий хизматлар шўъбаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– раҳбар номига ариза;
– паспорт нусхаси;
– имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;
– тиббий хулоса.

Аризалар махсус рўйхатга олиш китобида қайд этилади. Йўлланмалар ногиронлиги бўлган шахслар ва кексаларга унинг амал қилиш муддати бошланишидан камида 10 кун олдин тиббий хулосага мувофиқ берилади.

Йўлланмалар фақат уларда кўрсатилган муддатларда ҳақиқий ҳисобланиб, кечикиб келинган кунлар тикланмайди.

Шунингдек, йўлланмадан фақат унда кўрсатилган шахсгина фойдаланиши мумкин. Санаторийга битта йўлланма билан биттадан ортиқ киши қабул қилинмайди.

Санаторийга ташриф буюрган ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар ўзи билан бирга йўлланмадан ташқари паспорт ва санаторий-курорт картасини олиб келиши лозим.

Саволларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги директор ўринбосари вазифасини бажарувчи
Баҳодир КАРИМОВ
жавоб берди

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоалари Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти масъул ташкилотчиси Анвар Арзиевга онаси

Саломатхон АРЗИЕВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши ҳисобчиси Муроджон Жалоловга отаси

Маҳамаджон ЖАЛОЛОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Саломатлик бекати

Кўзим яхши кўрсин, деган одам, аввало, кўзларини яхши кўриши, яъни унга эътибор ила муносабатда бўлиши лозим.
Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида кўз касалликларига алоҳида боб ажратилган бўлиб, кўзни даволашдаги қоидалар, кўз нурини асраш йўллари, кўз саломатлигига рахна солувчи омиллар санаб ўтилган.

КЎЗИНГИЗНИ ЯХШИ КЎРАСИЗМИ?

Душманлари:
– чанг, тутун, иссиқлик ва совуқлик мўътадил бўлмаган ҳаво, шамол;
– узоқ вақт бир нарсага тикилиб туриш;
– ёруғ, ялтироқ ва майда нарсаларга кўп қараш;
– маст қилувчи ичимликлар;
– жуда тўйиб овқатланиш ва тўқ ҳолда ухлаш;
– кўп миқдорда туз истеъмол қилиш;
– ҳаддан ортиқ ухлаш ва кам уйқулик;
– майда ёзувли хатларни кўп ўқиш;
– нозик, диққатли ишларни кўп бажариш;
– ҳаммомга жуда кўп тушиш;
– қаттиқ йиғлаш;
– томирдан кўп қон олдириш;
– қуёш нури, қуёшдан куйиб бош оғриш;
– қиздирувчи иситма;
– кўзнинг зарб ейиши;
Фойда:
– йиғлаш кўзни тозалаб турувчи тадбирлардандир.
– тиниқ сувга шўнғиб, сув ичида кўзни очиб туриш уни янада равшанлаштиради.
Яллиғланса...
Кўз яллиғланиши одатда томирларнинг бўртиши, ёш оқиши ва оғриқ билан кечади. Ўткир турида кўз оқи қорачиқ устигача ўсиб, уни бекитади ва кўзни юмишга монелик қилади. Ички ва сиртқи артерияларда чиқиндилар кўпайса, улар кўзга қуйилади.

Чаққайма кўзли киши кўз яллиғланишига кўпроқ мойил бўлади. Баъзан организмда ҳазмнинг сусайиши сабабли кўздан совуқ ёш оқади.

Жанубий мамлакатларда кўз яллиғланиши кўп учрайди, лекин тез тузалади. Совуқ мамлакатларда ва совуқ иқлим вақтларида кўз оғриғи кам учраса-да, оғирроқ ўтади. Иссиқ мамлакатларда кўз яллиғланиши кўпроқ учрагани каби киши жуда иссиқ ҳаммомга кирганида ҳам кўзни сўзсиз яллиғлантиради.

КИМЛАР ХАСТАЛИККА МОЙИЛ?

Кўз касалликлари билан бирга бош оғриғи бўлса, аввал бош оғриғини даволаш керак, бош оғриғини кетказмай туриб кўзни даволаманг. Кўзи касал киши оқ нарсаларга ва ёруғликка қарамаслиги даркор. Уни ўраб турадиган нарсалар қора ва кўк бўлиши мақсадга мувофиқ. Беморнинг уйи бироз қоронғи бўлгани маъқул.

Кўзга оқ тушиши ҳам касаллик ҳисобланиб, оқлик юпқа ва сирти сатҳда бўлса, «булут» деб аталади. Қалин бўлса, мутлақо оқлик саналади.

Шабкўрликда кўз кечаси кўрмайди, кундузи кўриб, куннинг охирида кучсизланади. Бу касаллик кўпроқ қора, қорачиғи кичик кўзларда бўлиб, кўк ва катта кўзларда деярли учрамайди. Кўзига турли рангларни кўринадиган ва кўзи кўп жимирлайдиганлар ҳам унга мойил бўладилар.

БУЮМЛАР ТЎЛИҚ КЎРИНМАЙДИ(МИ?)

Катаракта тиқилмалардан пайдо бўладиган касаллик бўлиб, у ўқёйсимон табақа тешигида, оқсилсимон суюқлик билан мугузсимон табақанинг орасида туриб қоладиган чет суюқликдан иборат.

Ушбу суюқлик кўп бўлса, тешикни бутунлай тўсиб қўяди. Баъзан кўз буюмларнинг ярмини ёки бир бўлагини кўриб, қолганини кўролмайди. Лекин кўз соққасини бир томонга айлантирса, кўради. Гоҳида кўз буюмларни бир гал тўлиқ кўриб, иккинчи марта қараганида тўлиқ кўрмайди.

ПАРҲЕЗТАЛАБ ДАРД

Катаракта сўзи юнончадан олинган бўлиб, «шаршара» деган маънони англатади. Унда кўз гавҳари хиралашиб, кўзга тушаётган ёруғлик нурларининг йўли қисман тўсилиб қолади. Асорати сифатида кўз мутлақо кўрмай қолиши мумкин. Хасталикнинг туғма ва орттирилган турлари мавжуд. Қарилар катаракта ривожланишига мойил бўладилар. Дорилар билан даволашнинг иложи бўлмаса, хиралашган гавҳар жарроҳлик йўли билан олиб ташланади.

Катарактага чалинган бемор овқатларни кам ейиши, шўрвалар ва ҳўлловчи нарсалар, ҳазми оғир гўштлардан сақланиб, қовурилган таомлар истеъмол қилиши мақсадга мувофиқ. Спиртли ичимликлар тақиқланади. Қусиш меъдани тозалаш жиҳатига кўра фойда қилишига қарамай катарактага зарардир. Шунингдек, кўп сиқилиш, бирор нарсадан қаттиқ ғазабланиш ҳам катаракта ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Дурдона АЛИМОВА
тайёрлади

Шахсий фикр

Қонундан ташқарида демократия бўлмайди

Тараққий этган демократик жамиятлар тарихини ўрганган олимлар ***«Демократия инсон ақл-заковатининг маҳсули ҳисобланиб, унинг халқ ҳокимияти бошқарувида иштирок этиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, ғоявий, маънавий, маърифий, ташкилий ва амалий хусусиятларни англатувчи жиҳатлари борки, уни маънавият ҳамда маърифатсиз англаб бўлмайди ва айнан шунинг учун демократияни ҳаётга жорий қилишда халқнинг миллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи, ахлоқий мезонлари эътиборга олиниши ғоят муҳим аҳамият касб этади»*** деб хулоса қилишади.

Мана шу нуқтаи назардан шахс, жамият ва давлат муносабатларига доир воқеалар ривожига қараганда, биз демократиянинг номоддий неъмат сифатидаги асл моҳиятини англаб етмасдан, унинг аста-секин, босқичма-босқич шаклланиб ва ривожланиб борадиган узлуксиз жараён эканлиги белгиланган формулани бузаётганга, бошқача айтганда, аравани отдан олдин қўйиб юборганга ўхшаймиз. Ҳар ҳолда, ҳуқуқий жиҳатдан қараганда – шундай!

Масалан, **«демократия ва эркинлик»** ҳақида баралла гапираётган ва эркин фикр баҳонасида бошқаларни, айниқса, давлат бошқаруви тизими ва мансабдорларни танқид қилаётган ҳамда мамлакат ҳаётида содир бўлаётган воқеаларга асослантирилмаган изоҳлар бераётган жамият аъзоларининг мулоҳазалари билан келишиш қийин, ҳатто бу гапларда ***«жон бор»***дек кўринса ҳам. Чунки улар ҳам барчамиз каби ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий деградациялашув мавжуд бўлган жамиятда яшайдилар ва бундай жамият аъзолари демократия ва эркинликнинг маънавий ҳамда ҳуқуқий чегараси бор эканини тан олмайдилар.

Биз ўзимизни демократияни ***юксак маънавият, фуқароларнинг ички маданияти ва интеллектуал имконияти ўлароқ умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, барчани қонунларга бўйсуниб яшашга ундайдиган умуминсоний, ҳуқуқий ва маънавий қадрият*** сифатида тушунадиган жамиятда яшаяпмиз, деб айта олмаймиз ва шу боис жамиятимизда **«танқид қилувчилар»** ҳам худди **«танқид қилинувчилар»** каби бир хил муолажага эҳтиёжманддирлар.

Мен танқидга қарши эмасман. Шунчаки, ***«Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ»*** таомилига риоя қилган ҳолда, «демократия ва эркин фикр»ни ниқоб қилиб, бир-биримизга тош отиш, бир-биримиздан камчилик қидириш ёки бир аср давомида йиғилиб қолган муаммолар ва шу давр мобайнида шаклланган халқнинг яшаш тарзи учун бугунни айблаш билан шуғулланмасдан, ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин жамият томон босқичма-босқич боришимиз керак, демоқчиман, холос.

Келинг, далилларга эътибор қаратайлик. 2019 йилнинг охирида интернет тармоқларида Аброр Мухтор Али хонанда Юлдуз Усмонованинг шариатга доир фикрлари учун ҳақорат қилгани ва бунга жавобан Юлдуз Усмонованинг ҳолатни тушунтиришга уринишлари ҳақидаги видеоёзувлар тарқалиб, кенг муҳокама ва мунозарага сабаб бўлган эди. Худди шу каби, 2020 йил август ойида Аброр Мухтор Али ва блогер Қобул Дусовнинг ўзаро келишмовчилиги сабабли бир-бирини ҳақорат қилгани ва муштлашишгача боргани тасвирланган видеоёзув оммага тақдим этилди.

Ҳуқуқ ва жамиятшунослик фани нуқтаи назаридан шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин жамият қуриш жараёнини эндигина бошлаган давлатда бу каби мазхарабозликка йўл қўйиб бўлмайди. Беихтиёр улардан сўрагинг келади: ***«Бундан кўзлаган асл мақсадингиз нима ва қайси асосларга кўра*** *«шундай қилишга ҳаққим бор»* ***деб ҳисоблаяпсиз ўзингизни, сизнингча, бу – демократиями?»***

«Ташқаридаги душмандан ичингдаги аҳмоқ хавфлироқ» деганларидек, ёмонликни истаган ташқи душман жамият ичида юз бераётган воқеалар ва уларга туртки бўлаётган омиллардан шу жамиятнинг ўзига қарши фойдаланишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур. Бошқача айтганда, ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи ҳолатлар қонунларда кўрсатилган тартибда ҳал этилиши лозим.

«ТАШҚАРИДАГИ ДУШМАНДАН ИЧИНГДАГИ АҲМОҚ ХАВФЛИРОҚ» ДЕГАНЛАРИДЕК, ЁМОНЛИКНИ ИСТАГАН ТАШҚИ ДУШМАН ЖАМИЯТ ИЧИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ВОҚЕАЛАР ВА УЛАРГА ТУРТКИ БЎЛАЁТГАН ОМИЛЛАРДАН ШУ ЖАМИЯТНИНГ ЎЗИГА ҚАРШИ ФОЙДАЛАНИШИНИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛДИРМАСЛИГИМИЗ ЗАРУР. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ҲОЛАТЛАР ҚОНУНЛАРДА КЎРСАТИЛГАН ТАРТИБДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ.

Шу маънода, масалага ҳуқуқий жиҳатдан қаралганда, интернет тармоқларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, уларнинг мансабдор шахсларини танқид қилаётган, вилоятлар, туманлар ёки қишлоқлардаги ҳолатларга изоҳлар ёзаётган, шунингдек, давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатлари ёки овозларини видео ва аудио тасмаларга туширib, интернет тармоқларига қўяётган фуқароларимиз, шу жумладан, блогерлар ҳам мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»**ги, **«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»**ги, **«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»**ги, **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги қонунлари талабларига риоя қилишаётгани йўқ.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг вояга етган ҳар қандай фуқароси **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги қонуннинг 3-моддасига кўра, «жамоатчилик назоратининг субъектлари» бўла олишлари мумкин ва шу қонуннинг 15-моддасида уларга жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун қатор ҳуқуқлар берилган.

Бироқ, **«танқидчиларимиз»** қонунларга риоя қилмасдан, жамоатчилик назорати тартибида ўрганилмаган ва зарур маълумотлар билан тасдиқланмаган ҳолатларни умумий сафсата кўринишидаги шахсий фикрлари билан изоҳлаб, кенг жамоатчилик ўртасида носоғлом муҳит юзага келишига сабабчи бўлмоқда.

Масалан, блогерлардан бири интернет саҳифасида қолдирган видео мурожаатида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ишларнинг қониқарсизлиги, айрим мактаблар ёмон аҳволда қолаётгани, шунингдек, тест маркази мутасаддилари томонидан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари учун тайёрланаётган саволларнинг талабга жавоб бермаслиги, бу коррупцияга йўл очаётганлиги ҳақида фикр билдирган.

Биринчидан, таълим тизимидаги айнан қайси мактаблар қайси сабабларга кўра талабга жавоб бермаслиги аниқ рақамлар ва мисоллар билан ёритилмаган, **иккинчидан,** тест маркази томонидан тайёрланган саволларнинг талабга жавоб бермаслиги махсус билимга эга мутахассис хулосаси билан тасдиқланмаган. Агар блогернинг қўлида аниқ маълумот ва тегишли хулоса мавжуд бўлса, нима сабабдан жамоат манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайди?

ЁШ АВЛОДГА БОЛАЛИГИДАНОҚ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ КЕРАК ВА БУНГА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЁКИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ, ДЕБ ҚАРАМАСДАН, КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ. ИККИНЧИ МУҲИМ ВАЗИФА – КАТТА АВЛОДЛАРНИ БИРГИНА ТУШУНТИРИШ ЁКИ ТАРҒИБОТ ОРҚАЛИ ҚАЙТА ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЛОЖИ ЙЎҚЛИГИ САБАБЛИ УЛАРНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ҚОНУН ЁКИ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН ЖАЗО МУҚАРРАРЛИГИ МУРОСАСИЗ ТАЪМИНЛАНИШИ КЕРАК.

Ваҳоланки, **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ жамоатчилик назоратини амалга ошираётган ҳар бир фуқаро бундай қилишга ҳақли.

Яна бир мисол. Шу йилнинг август ойида **«MY-5»** телеканалида Транспорт вазирлиги, тиббиёт соҳаси ходимлари ва блогер Ш.Мусаев («Элпарвар») иштирокида **«COVID-19»** пандемияси муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга бағишланган **«Очиқчасига гаплашамиз»** номли кўрсатув намойиш этилди ва унда «Тез тиббий ёрдам» ходимлари уларга Президент фармони билан белгиланган тўловлар тўланмаётгани хусусида эътироз билдиришди.

Ҳуқуқий жиҳатдан, алоҳида вазиятлар сабабли айрим тоифа ходимларга иш ҳақи тўлашнинг Меҳнат кодексида белгиланганидан ўзгача тартиби жорий қилинган ҳолатларда иш берувчи ва ишчи ўртасида юзага келган низолар меҳнатга доир муносабатлардан келиб чиқувчи алоҳида тоифадаги низо бўлгани учун фақат судда ҳал этилиши лозим. Шу боис, суд кимнинг ҳақ эканини аниқламай туриб, бир тараф иккинчи тарафни кенг омма ўртасида айблашга ҳақли эмас. Зеро, жамиятшунос олим Б.Склинернинг фикрига кўра, ҳуқуқий-демократик жамиятларда ҳар бир эътироз индивидуал хусусиятга эга бўлгани учун ҳуқуқий муносабатлар тартибида алоҳида ҳал этилиши лозим, акс ҳолда, суд-ҳуқуқ муносабатлари тартибида ҳал этилмаган ва оқибатда умумий кўринишга эга бўлиб қолган эътирозлар қоришиб кетиб, ўзини оқламаган турли норозиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Афсуски, жамиятда ижтимоий фикрни шакллантирадиган, кучли тарғибот машинаси ҳисобланган оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам белгиланган эркинликлар суиистеъмол қилинмоқда.

Хусусан, 2019 йил 6 ноябрь куни «MY5» телеканали ходимлари **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**ги, **«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»**ги, **«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»**ги ҳамда **«Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонунлар талабларини бузиб, бирон-бир маълумот олиш ёки раҳбарларнинг интервьюсини ташкил этиш ҳақида олдиндан мурожаат қилмасдан, **журналист ахлоқ-одоб қоидалари**га зид равишда тўсатдан Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносига кириб келган ва ёқилган камера остида хоналарни кўздан кечириб, ходимларни сўроққа тутган.

Бундан ташқари, телеканал мутасаддилари томонидан **«Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган: *«журналист ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши»*, **«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган: *«ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланиши»* ҳамда **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**ги қонуннинг 5-моддаси, 4-хатбошида кўрсатилган: *«оммавий ахборот воситалари қонун-ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш.... ҳуқуқига эга ва тарқатилаётган ахборотнинг холислиги ҳамда ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлиши»* ҳақидаги талаблар бузилган ҳолда тайёрланган кўрсатув 2019 йил 8 ноябрь куни эфирга узатилиб, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги ва раҳбарларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига сабабчи бўлишган.

Ушбу ҳолат борасидаги низо 2020 йил 8 сентябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани судида кўриб чиқилиб, жавобгар **«MY5»** телеканалига нотўғри эълон қилинган маълумотлар учун даъвогар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигидан узр сўраш ва туман ҳокимига етказилган маънавий зарар ҳамда ҳокимликнинг суд харажатларини тўлаб бериш мажбуриятини юклаш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Юқоридагилардан кўринадики, бизнинг ҳуқуқий маданиятимиз ҳали-ҳамон мақтанадиган даражада эмас ва бунинг икки муҳим сабаби бор.

Биринчидан, ҳуқуқий маданият даражасини белгиловчи «ҳуқуқий тарбия», «ҳуқуқий онг» ва «ҳуқуқий руҳият» каби 3 та муҳим омил борки, улар жамиятда шаклланмас экан, шахснинг ҳуқуқий маданияти ўз-ўзидан юқори бўлиб қолмайди.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарбияга авлодларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий руҳиятни шакллантиришга шунчаки тарғибот-ташвиқот олиб бориш билан эришиб бўлмайди ва бу мақсадлар учун сарфланган маблағ ҳамда вақт самарасиз кетади.

Мана шу иккита бартараф этилмаган сабаб борки, жамиятимизда ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий деградациялашув шарт-шароити юзага келган ва бунинг натижасида саноғи йўқ бошқа салбий оқибатлар келиб чиқмоқда. Ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқни билмасликлари, уни тан олмасликлари ёки ҳуқуқни ўз манфаатларига мос талқин қилишлари ҳуқуқий нигилизм деб аталади. Шунингдек, ҳуқуқий нигилизм ҳукмрон жамиятларда қонунлар манфаатларга мослаштирилади. Ҳуқуқий деградациялашув деганда эса шахслардаги ҳуқуқий билимнинг ва онгнинг қотиб қолиши, орқага чекиниши, шахснинг ўз устида ишламаслиги, ҳуқуққа, шу жумладан, ўз ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан бефарқлиги кабилар тушунилади.

Шу боис, ёш авлодга болалигиданоқ ҳуқуқий тарбия бериш йўлга қўйилиши керак ва бунга таълим тизими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вазифаси, деб қарамасдан, комплекс ёндашув жорий қилиниши лозим. Иккинчи муҳим вазифа – катта авлодларни биргина тушунтириш ёки тарғибот орқали қайта тарбиялашнинг иложи йўқлиги сабабли уларнинг ҳар қандай қонун ёки қоидабузарликлари учун жазо муқаррарлиги муросасиз таъминланиши керак.

Биз барчанинг эркин ва шу билан бирга, қонун олдидаги тенглиги таъминланган ҳуқуқий демократик жамият қурмоқчи эканмиз, ўзга жамиятлар демократиясига қараб хулоса чиқармайлик, аксинча, демократия босқичма-босқич шаклланиб, ривожланиб борадиган табиий-тарихий жараён бўлгани учун халқимиз ва миллатимизнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлар асосида шаклланган ижтимоий онги ҳамда психологиясини эътиборга олиш муҳимлигини тўғри англаб, демократик тамойилларни белгилашда дунё жамиятларининг амалиёти билан бир қаторда ўз миллий ва диний қадриятларимиз ҳам бор эканини унутмайлик.

Муҳиддин ҚИЁМОВ,
ҳуқуқшунос

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:55**
Топширилди – **00:50**

Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 106.**
30254 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130